

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил 20 июль

ШАНБА

№ 58 (12590)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

Вилоят ҳаёти

Ўйингоҳ ёшлар ихтиёрида

Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ойбек номи маҳаллада замонавий мини футбол майдончаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Маҳаллий тадбиркор Эркин Қодировнинг ташаббуси билан бунёд этилган ўйингоҳ ёшлар учун ҳақиқий совға бўлди. Эндиликда бу ерда фақат болалар эмас, катталар ҳам футбол машғулотида иштирок этишмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғинининг "Намуна" маҳалласида ҳам ишбилармонлар саъй-ҳаракати билан стадион қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу янги ўйингоҳ футбол ишқибозлари учун республикамиз мустақиллигининг 22 йиллиги байрамига муносиб совға бўлади.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.

«SWEET MASTER PRODUCT» ШИРИНЛИКЛАРИ

Зангиота туманидаги қандолат масулоти ишлаб чиқаришга ихтисослашган шу номдаги масъулияти чекланган жамият истеъмолчиларга дастурхонбоп шоколад, вафли ва конфетлар етказиб берапти.

Корхона ёз ойларида 15 тонна, мавсумий ойларида 30 тоннадан ортик сифатли, арзон маҳсулот тайёрламоқда. Яқинда 20 кишилик бунёдкор жамоасининг сафи янада кенгайди: иш ўрганиши хоҳлаган, тадбиркор бўлиш ниятидаги 6 нафар коллеж битирувчиси ишга қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

МАҲАЛЛАГА ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛДИ

"Обод турмуш йили" Давлат дастурида Қибрай тумани ҳудудидаги маҳаллаларни ободонлаштириш, аҳолини газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш алоҳида ўрин тутди.

Ана шу дастур доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ёнариқ қишлоғида "Наргиз таъмир" масъулияти чекланган жамияти курувчилари томонидан бир ярим километрик сув қувурлари тортилди ва 60 дан ортик хонадон соҳиблари тоза ичимлик суви билан баҳраманд бўлди.

Дастур доирасидаги бундай хайрли ишлар бошқа ҳудудларда ҳам изчил давом эттирилмақда.

Умида ИСАЕВА.

Вилоят ҳаёти



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон ғаллакорларига йўллаган табригини вилоятимиз меҳнаткашлари ҳам кўтаринки кайфият билан қутиб олдилар. Табрикда Тошкент вилояти, Пискент, Юқори Чирчиқ туманлари, Ўрта Чирчиқ туманидаги "Иброҳим Абдураҳмонов" фермер хўжалигининг номлари қайд этилганлиги барчамизда алоҳида гуруҳ ва ифтихор туйғуларини

ни жўш урдирди. Юртбошимизнинг: "Барақалла, барчамизни қойил қолдирдингиз, ҳеч қачон кам бўлманг", деган сўзлари ғаллакорларимизнинг меҳнатига берилган юксак баҳодир. Бинобарин, мамлакатимиз ғаллакорларининг бу йилги мавсумда йиғиштириб олган 7 миллион 610 минг тонналик улкан хирмонида пойтахт вилояти деҳқонларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

«БАРАКАЛЛА, БАРЧАМИЗНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРДИНГИЗ, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАНГ!»

Дарҳақиқат, бу йил том маънода ғалла йили бўлди. Унлаб фермерларимиз ҳар гектар майдондан 100 центнерга етказиб хирмон кўтардилар. Эл-юрт хирмонида 720 минг тоннадан ошириб ғалла ҳосили тўқилди. Эътиборлиси, унинг тенг яри фермер хўжаликлари ихтиёрида қолди. Бу вилоят тарихида энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Ҳали бунақаси бўлмаган эди.

Мана шулар ҳақида ўйлар эканмиз, чамаси, бундан 10 йил аввалги

воқеа ҳаёлимиздан ўтади. Ушанда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буюртмаси билан мамлакатимиз ғалла мустақиллиги ҳақида ҳужжатли фильм суратга олган эдик. Сценарий муаллифи сифатида қоқ саратон кунлари камина ҳам суратга олиш жараёнида иштирок этганман. Фильм лавҳалари Андижоннинг Асака,

Қашқадарёнинг Фузур ва Чирочқи туманларида суратга олинганди. Чунки бу туманларда ўша йиллари етиштирилган ҳосил анча барақали бўлган эди. Ушанда ижодий гуруҳ аъзолари бир-биримизга аламли савол берган эдик: нима учун лавҳалар кинорасида олинмапти?

(Давоми 2-бетда).

СУРАТА: Юқори Чирчиқ туманидаги «Тожиаҳмад» фермер хўжалиги раҳбари Давлатали Тожиаҳмадов ҳосил барақасидан мамнун.

Бекобод тумани ҳокимлиги эътиборига

ЭГАСИНИ ТОПМАГАН ГАП

Газетамизнинг шу йил 11 майдаги 39-сонидagi "Гап эгасини топади" рўкни остида "Электрчи-роқми ёки шамчирок?" номли танқидий мақола берилган эди.

Унда Бекобод туманининг Маданият қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ўювли қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийлари бундан қарийб 50 йил олдин ўрнатилган трансформатор таллабга жавоб бермаётгани, симёочларнинг асосий қисми чириб, фойдаланиш хавфи бўлиб қолганлиги, бунинг оқибатида электр таъминотида узилишлар бўлаётганиги, чекка хонадонларга электр қуввати етиб бормаётганиги ҳақида хабар беришган эди.

Мана икки ой ўтди ҳамки, газетанда айтилган

"гап" эгасини топмади. Бу орада мақола муаллифлари бир неча бор тахририятга кўнғироқ қилишди. Балки газета туманга етиб бормагандир ёки туман раҳ-

Бир мавзуга иккинчи марта

барлари газета ўқишмас, деган истихоло билан 2013 йил 10 июнь кунини ушбу танқидий чиқишни ўрганиб, тегишли чора-тадбир кўриш учун туман ҳокимлигига хат йўлладик. Бироқ ҳокимиятдагилар бизнинг

хатимизга жавоб беришни эп қўришмади шеклилли, ҳалигача унга муносабат билдиришмаяпти. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан муносабатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш вазифаси қўйилган бир пайтда ҳокимиятдагиларнинг бундай беписандлиги тахририятни таъшишга солмоқда.

Биз ушбу чиқишимиз юзасидан "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖдан ҳам жавоб кутган эдик. Афсуски, бу корхонадагилар ҳам ҳалигача сукут сақламоқда. Хуллас, гапирасак гап кўп. Ушбу гаплар, бугунги эътирозларимиздан кейин, ўз эгасини топса ажаб эмас.

(Давоми 4-бетда).

РАМАЗОН ҲИҚМАТЛАРИ

Расули ақрам (с.а.в) дан ривоят қилинадиган шундай Ҳадиси шариф борки, унда: "Агар умматларим рамазон ойининг улар учун қанчалик шарофатли ва баракотли эканини билганларида эди, фақатгина бир ой эмас, балки йил бўйи рўзадор бўлишни орзу қилган бўлардилар", дейилди.

Маъжур Ҳадиси шариф хусусида мушоҳада қилиб кўрайлик. Хўш, маъжур ойнинг "шарофатли ва баракотли" деганда Паёғамбар алайҳиссалом нималарни назарда тутган эдилар?..

Эътибор қилган бўлсангиз, Рамазон ойида юриш-туришимизда, кундалик ҳаёт тарзимизда сезиларли бир ўзгариш юз беради. Ойларда, маҳаллақуй, ишоналарда қандайдир хотиржам, файзли, улғувор бир муҳит юзага келади.

Рўзадор бўлса-бўлмаса кишиларимиз ўртасида аввалгидан-да илқиклик, меҳрибонлик муносабатлари кучайгани сезилади. Ҳар бир кариндош-уруғлар, ёру биродарлар ўртасида бордир-келди, йўқловлар, кексалар, беморлардан, ота-оналардан хабар олишлар... Хайр-саховат, эҳсон, меҳр-муруват кўрсатишлар... Хуллас, шундай бир файзли, шукўкли, руҳоний бир дамларни бошлаб келади Рамазони шариф.

Рамазони шарифни аввало тарбия оили дейишди. Дарҳақиқат, инсон ботину зоҳирий тарбиясида руҳанинг, Рамазон ойининг ўрни бекиб. Рамазонда одатий кун тартибимизни ўзгартирамиз. Эрталабки нонушта

ўрнига тун ярмида уйқудан туриб, сахарлик қиламиз. Ва шундан то шомга қадар 16-17 соат мобайнида (боз устига ёзнинг жазирасида) туз тотмаймиз. Бошқа ойларда бунинг улдасида чик-маслигимиз мумкин. Лекин Рамазонда шундай қила оламиз. Сабаби – сахарликда ниҳат қилганимиз: ҳолис Аллоҳ таоло учун рўза тутаман, деганмиз. Ва ана шу ҳолис ниятимиз бизга мадад беради. Рўзадорлик бизни чиниктиради. Сабримиз, иродамиз ҳокимлик қила бошлаймиз. Нафсини енга олган кишида эса бошқа инсоний фазилатлар ҳам юзага келади. Чунки, одамотнинг йўлдан урадиган, уни турли нохушликлар, кўргуликларга мубтало қиладиган нарса унинг ўз нафсиқидир.

(Давоми 4-бетда).

ТАНОВУЛДА ЭҲТИЁТКОРЛИК ЗАРУР

Вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси ташаббуси билан Бўқа тумани Маданият саройида "Одамлар овқатдан оммавий заҳарланишининг олдини олиш" мавзусида семинар ўтказилди. Унда тумандаги корхона ва ташкилот раҳбарлари, фуқаро муҳофазаси хизматлари, таълим муассасалари вакиллари иштирок этишди.

Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази, Саломатлик ва тиббий статистика ин-

мотлар беришди. Семинар иштирокчиларига ҳамкор ташкилотлар томонидан тайёрланган "Овқатдан заҳарланишининг олдини олиш" мавзусидаги эслатмалар тарқатилди.

С. КАРАБАЕВ, вилоят фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходими.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Вилоят ҳокимлиги "Обод турмуш йили" давлат дастури ҳамда мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллиги муносабати билан "Ободлик кўнғилдан бошланади" шиори остида «Тошкент вилоятини кўркам ва обод вилоятга айлантирайлик!»

Кўрик-танлови ўтказилишини эълон қилади. Бундан кўзланган мақсад, вилоятни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш ҳамда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларини кенг омма, айниқса, ёшлар онгига чуқур сингдириш. Танловнинг мазмун ва моҳиятини ҳар бир қишлоқ, маҳалла, ташкилот, корхона, муассаса ва фуқарога етказиш мақсадида барча маҳалла фуқаролар йиғинларида йиғилишлар ўтказилмоқда. Унда вилоятдаги ҳар бир хонадон, кўча, кўп қаватли тураржой бинолари, маҳалла, қишлоқ, мулкчилик шаклидан қатъи назар давлат ва нодавлат ташкилотлари иштирок этишлари мумкин.

Кўрик-танлов икки босқичда ўтказилади. Биринчи босқичда ҳакамлар ҳайъати ҳар бир шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, низоми мувофиқ баҳолайдилар. Иккинчи босқич эса шаҳар ва туманларда алоҳида жадвал асосида ўтказилади. Унда ҳудудлар марказида мустақиллигининг 22 йиллик байрамига бағишланган халқ сайиллари, маҳаллий санъаткорлар ижросидаги концерт дастурлари ўтказилиб, ўзларида ишлаб чиқарилган халқ унвондорчилиги махсулотлари ва бадий-ижодий асарлар намуналаридан иборат кўргазмалар ташкил этилади. Кўрик-танлов голибларига биринчи ўрин учун

15 миллион сўм, иккинчи ўрин учун 10 миллион сўм, учинчи ўрин учун 5 миллиондан 10 миллион сўмгача, рағбатлантирувчи ўринлар учун 3 миллион сўмдан 6 миллион сўмгача, энг яхши бадий дастурлар учун 1 миллиондан 3 миллион сўмгача бўлган пул мукофотлари ҳамда вилоят ҳокимининг дипломлари топширилади.

Шунингдек, танловдаги фаол иштироки, ҳудудида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини намунали йўлга қўйган туманлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари махсус диплом ва мебель жамламалари билан тақдирланади.

Кўрик-танловга марҳамат!

Танлов давом этмоқда

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Бадий академия, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди билан ҳамкорликда ёзувчи ва шоирларни, журналистлар, тасвирий ва кино санъати намояндаларини эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз, гуруҳ-ифтихоримиз тисмоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётига манбаи – мамлакатимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг улуг, энг азиз» аъёнанинг танловига тақлим этилади.

Танловга "Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!" деган шиорни асосий гоё сифатида ўзида мужассам этган

ижодий асарлар қабул қилинади. Тақдим этиладиган ижодий ишларда: мамлакатимизда мустақиллик йилларида барча соҳаларда улкан ютуқларга эришилгани, истиқлол юртимизга яшаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг асосий омилли эканлиги кенг очиб берилган.

халқимиз ўтган даврда ўзининг мустақам иродаси, қатъият ва матонат, истиқлол гоёларига садоқатини намоян этиб, жаҳон майдонида муносиб хурмат-эътибор қозонгани чуқур таҳлиллар орқали кўрсатилган.

тараққиётнинг ўзбек модели мамлакатимиз учун ҳал қилувчи бир пайтда энг тўғри, энг оқилона йўл сифатида танлангани. "Ислохот – ислохот учун эмас, аввало инсон учун" деган олижаноб давлат истиқлол йилларида эришган барча ютуқларимизда ҳаётбахш манбаи бўлиб келаётганига алоҳида эътибор қаратилган;

истиқлол йилларида бой тарихимиз,

бебаҳо меросимиз, дину диёнатиимиз, қўнра урф-одат ва аъёнларимизнинг қайта тиклангани, ўз қадр-қимматини чуқур англаган, мустақил ва эркин фикрлайдиган соғлом ва баркамол авлоднинг воғта етказиши, хотин-қизларнинг хуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, оила ва жамият ҳаётидаги муфозини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилётган бунёдкорликлар, қишлоқ аҳлига муносиб турмуш шaroитини яратиш борасида амалга оширилётган улкан ишлар ўз аксини топган;

халқимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi бутунлай ўзгариб, дахлдорлик туйғуси, ўз кучи ва имкониятларига бўлган ишончи мустаҳкамлашиб бораётгани, юртимиздаги миллатлар ва фуқароларор ахиллик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳити, Ўзбекистоннинг халқорой майдонда олиб бораётган ташки сифатининг миллий манфаатларга жавоб берадиган стратегик устувор йўналишлари, "Обод турмуш йили" Давлат дастурининг ижодий самаралари ифодаланган бўлиши зарур.

"Энг улуг, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади: - ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари; - босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари; - телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари; - тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари; - кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:

- муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот; - муаллифнинг паспорти нусхаси; - иш жойидан тавсиянома; - муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари. Танловга 2012 йилнинг 1 августидан 2013 йилнинг

1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 5 августигача қабул қилинади.

Танлов голиблари Ватанимиз мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрами арафасида мукофотландилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар "Энг улуг, энг азиз" танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси. Телефонлар: (8-371) 244-12-61; 244-64-61; 244-27-79.

Ташқи иқтисодий алоқалар

Маълумотларга кўра, хориз мамлакатларида вилоятимиз корхоналарининг 59 та савдо уйлари бор. Тадбиркорларимиз 75 дан зиёд чет давлатга ўз маҳсулот ва хизматларини экспортга жўнатишяпти.

– Бу йилнинг ўтган олти ойи мобайнида 230,1 миллион доллар ҳажмида товар ва хизматлар экспорти кузатилади, – дейди вилоят ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи Юнусхон Ёқубхонов. – Экспорт таркиби асосан, ҳўл, қурилган ва қайта ишланган мева-сабзавотлар, киме ва нефть-киме, кабель, енгил санает, қурилиш материалларидан иборат. 73 та корхона экспортчилар рўйхатидан жой олишди. Улар 38,8 миллион АКШ долларилри маҳсулот ва хизматларни экспортга чиқаришга улгуришди. 51 та корхонанинг 7,5 миллион долларлик маҳсулоти илк марта, 1,9 миллион долларлик 10 та янги турдаги маҳсулот экспортга жўнатилди.

Тўғридан-тўғри хоризжий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш худудий дастури доирасида эса, шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 48 та лойиҳа бўйича 44,1 миллион долларлик инвестициялар ўрнатилди. 1100 та янги иш ўрни яратилди. Ўрнатилган инвестицияларнинг 36,9 миллион доллар тўғридан-тўғри хоризжий инвестициялар ва кредитлар, 5 миллион доллар лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблағлари ҳамда 2,2 миллион доллар маҳаллий кредитлар ҳисобига тўғри келди. Бунда қурилиш материаллари, енгил санает, озиқ-овқат, нефть-киме санаети ҳамда бошқа соҳаларга катта миқдорда инвестициялар жалб қилинишига эри-

ИНВЕТОР ЭТАГИДАН МАҲКАМ ТУТМОҚ КЕРАК



шилди. Дастур доирасида 18 та лойиҳа амалга оширилиб, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Хусусан, Чирчиқ шаҳрида йилга 1,4 миллион дона тикучилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга "Prima Textile" корхонаси, Бўстонлик туманида йилга 3,3 миллион дона пайпоқ ишлаб чиқариш имконияти бор "Arslan Magic Socks", Ўрта Чирчиқ туманида йилга 600 минг бирик плинтус ишлаб чиқариш мўлжалланган "Baraka Dekor" қўшма корхоналари шулар жумласидандир.

Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 3570 нафар киши ишли бўлди, оиласига кутбарака кирди. Хусусан, Қибрай туманида эронлик инвесторлар билан ҳамкорликда очилган "PULAD GUSTAR" корхонасида 15

нафар ишсиз юрган фуқаро иш билан таъминланди. Ҳозир улар йилга 10 минг квадрат метр гидроизоляция материаллар ишлаб

етишмаяпти, чоғи. Бўка, Оққўрғон, Бекобод, Қуйи Чирчиқ туманларида экспортга умуман маҳсулот ишлаб чиқарилмаётганини хаспўшлаб бўлмайд, ахир. Бўка туманида эса, биронта ҳам қўшма корхона учрамайди. Келаётган инвесторлар талабига мос шароит яратиб бериш, бор имкониятларни ишга солиш, ўз оёғи билан кириб келаётган хоризжийларни ҳамкорликка чақириш у даражада имконсиз масала эмас-ку. Буни кузата туриб, шу худудлардаги мутасаддиларнинг ташқи иқтисодий фаолият соҳасидан ҳам муҳим бўлган ишлари кўпмикан, деб ўйлаб қоласан киши. Ангрэн шаҳри, Паркент, Ўрта Чирчиқ туманларида экспорт бўйича белгиланган чора-тадбирлар тўлиқ бажарилмаётган бўлса, Бекобод шаҳри, Бўка туманларида бу борада ҳеч қандай силжиш йўқ.

КАСБИДАН БАРАКА ТОПГАН ИНСОН

Донишмандларда касбинг – бахтинг, деган ҳикмат бор. Агар одам бирор касбга астойдил меҳр қўйиб, сир-асрорларини эринмай пухта ўрганса, ўша касб уни ҳақиқатан бахтли қилади, эл-юрт орасида обрўини янада ошириб, ўз соҳасининг юксак билимдонига айлантиради, устоз мақомига еткази.

Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон Муҳаммадjon Зайтаев ҳам ўз касбидан барака топиб, республика миқдобидаги ривожига муносиб ҳисса қўшиб келётган етук мутахассислардан бири. У матбаа соҳасини танлагунча бирор-бир касбга алоҳида қизиққан эмас. Лекин болаликдаги широри: қайси соҳа ёки касбда бўлмасин – ҳамма биринчиликка интилиш эди. Ҳеч бўлмаганда биринчилар сафида юришни яхши қўлади. Уни иккинчи, учинчи ўринлар унчалик қизиқтирмасди. Унинг чопчи сифатида биринчи иш бошлаган дастоҳи "Виктория" босма машинаси бўлди. Чопчиликнинг сир-асрорини пухта ўрганиб олган бу еш ва райратли мутахассис қисқа вақт ичида биринчилар қаторида ўрин олди. Техникага қизиқиши боис тахрибали усталар, механиклардан бир кўрган нарсасини тез ўргана ва ёдида сақлаб қоларди.

Ўз меҳнат фаолиятини 1970 йилда Тошкент матбаа корхонасининг босма цехида чопчиликдан бошлаган Муҳаммадjon Зайтаев аввал, Тошкент Давлат педагогика институтини (ҳозирги университет), кейин эса Москва полиграфиа институтини тамомлади. Бир сўз айтганда, у дастлабки қадамлари билан матбаа соҳасининг чинакам фидоисига айланди. Техника, яъни босма машиналар билан "тиллашиш", уларнинг сир-асрорларини ўрганиш унинг сеvimли машғулотли бўлиб қолди. У ишдан кейин ҳам қолиб, баъзан эса эрта келиб янги келтирилган дастоҳларни илpidан-игнасиғача билишдан эринмади.

– Танлаган касбимга меҳр қўйишимда раҳматли устозим Марат Ғойибовнинг ҳиссалари бекиёс, – дейди Муҳаммадjon Зайтаев марҳум устозини эслаб. – У киши мутахассислик соҳасини зўр биладиган йирик мутахас-

етук мутахассислари сафидан ўрин олди. У матбаа корхонасининг цех бошлиғи, бош муҳандиси бўлди. Қисқа вақт Ўзбекистон-Британия "Растр" қўшма корхонаси бош директори биринчи ўринбосари лавозимида ишлади. Сўнг "Давлат белгиси" корхонасида ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари бўлиб самарали фаолият юртиди. У 2005 йилдан буюн "Ўзбекистон" НМИУ директори-нинг биринчи ўринбосари вазифасида ишлайтир.

– Муҳаммадjon ака билан ишлаш ҳамма шам мароқли, ҳам завқли, – дейди "Ўзбекистон" НМИУ директори Зоир Исахонов. – У киши ҳаммага бирдай, катта кичкинчи хурматини жойига қўяди. Камтарин ва оддий инсон. Ишчи-хизматчиларнинг кўнглига йўл топади. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, муаммоларини ижобий ҳал этишга ҳаракат қилади. Наширёт уйимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли қилишига, китоблар ва газета-журналларнинг сўнгги технологиялар асосида чоп этилишида Муҳаммадjon Зайтаевнинг муносиб ҳиссаси бор. Ёшлар ҳам касб сирларини ўргатишда у киши ҳақиқий ва фидоий устозлик қилмоқда.


Ҳақиқатан ҳам шундай. М. Зайтаев матбаа корхонасига ишга келганида 17 ёшда эди. Шунга ҳам 43 йил бўлибди. Бугунги ёшларнинг ғайрат ва шижоа-

тида ўзининг оловли ва жўшқин ёшлигини қўради. Устозлари унга касб сирларини қанчалар меҳр ва фидоийлик билан ўргатишган бўлса, у ҳам ёшларга бор билим ва тажрибасини бермоқда.

Умрининг олтишинчи бекатиға соғ-саломат, қуч-ғайрат билан етиб келган Муҳаммадjon Зайтаев 4 нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Икки ўғли унинг изидан бориб, ота касбини танлади. Қизлариндан бири олима, иккинчиси молиячи. Шунингдек, 3 нафар шириндан-шакан балларнинг божбонисини.

"Ўзбекистон" наширёт-матбаа ижодий уйи ишчи-хизматчилари, ходимлари ишга масъулиятни, фидоийлик, ҳалоллик ва талаб-чангликни, касб сирларини, матбаа янгиликларини қолверса, ҳамкасбларга бўлган самимий меҳр ва инсонийликни Муҳаммадjon Зайтаевдан ўргансалар кам бўлмаслигини яхши биладилар. У киши хонада ўтирадиган раҳбар эмас. Муҳим ҳужжатларга имзо қўйгач, Муҳаммадjon ака гоҳ ишлаб чиқариш бўлимида, гоҳ иқтисодчилар орасида, гоҳ наширёт бўлимида, гоҳ дастоҳлар ёнидаги ёшлар даврасида бўлади. Ўз касбидан бахт ва барака топаётганлар сафида камтарин инсон, меҳрибон устоз, самимий дустр Муҳаммадjon Зайтаевнинг борлигидан биз, ҳамкасблари узоқ йиллар қувониб юрайлик.

Ашурали ЖўРАЕВ.



ТАРБИЯГА ҲАММА МАСЪЎЛ

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан Бекобод туманида ўтказилган семинар-йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Умумтаълим мактаблари битирувчиларини ўрта-маҳсул, касбухунар таълим муассасаларига тўлиқ қамраб олиш, ёшларнинг ўн икки йиллик мажбурий таълим олишини таъминлаш, қизларни оилавий ҳаёт-

га тарбиялаш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш" масалаларига бағишланган йиғилишдан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида сўз юритилди.

Унда кишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, диний-маърифий ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, умумтаълим мактаблари ва касбухунар кол-

Муносабат

«БАРАКАЛЛА, БАРЧАМИЗНИ ҚОЙИЛ ҚОЛДИРДИНГИЗ, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАНГ!»

Бу саволга энди жавоб топиладиган – вилоятнинг 7 та дон қабул қилиш шаҳобчаларига бу йил галла сиғмай қолди.

Вилоят галлакорлари бу йил ҳар гектар майдондан ўрта ҳисобда 55-60 центнердан ҳосил йиғиштириб олдилар. Шартнома режаларини бажармаган фермер қолмади ҳисоб. Шунинг учун уларнинг қувончи чекисиз.

Мана шундай пайтларда қилинган оғир меҳнат машаққатлари унутулиб кетгандек бўлади. Аслида залворли хирмон машаққатли меҳнат эвазига яратилгани ҳамма бирдек ҳис қилиб турибди. Албатта, эришилган катта меҳнат муваффақияти замирида Президентимиз раҳнамоллигида иқтисодиётимизнинг етакчи тармоғи – кишлоқ хўжалиғи тубдан ислоҳ қилингани, фермерлик ҳаракатиға кундалик эътибор қаратилаётгани, соҳаға қўйлаб имтиёзлар жорий қилинаётгани, замонавий агротехнологиялар, илгор инновациялар татбиқ этиш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётгани, кишлоқ меҳнаткашларининг моддий манфаатдорлиғи ётганлиғини бугун барча баробар англаб турибди.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, деҳқон учун йилнинг қулайли бўлмади. Табиат ва иқлим қўйинчиликлари ҳамма уларни турли синовлардан ўтказиб келган. Бу йилги мавсумда қиш фаслидаги ҳавонинг совуқ бўлгани, эрта баҳорда ҳароратнинг меъеридан пасайиб кетгани, қолаверса, баҳордаги дўл ва жалалар галлакорларимизга талайгина қўйинчиликлар турдирди. Лекин бу табиат инжиқликлари самарали меҳнат, ишининг қўзини билиш, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш билан енгилди. Галлани вақтида сугориш, бегона ўтлардан тозалаш, маромиде озиклантириш, ҳашаротларға қарши курашиш эришилган ютуқларнинг гарови бўлди.

Даладаги насия – хирмондаги ҳисоб. Етиштирилган мўл галла ҳосилини қисқа муддатларда нест-нобуд қилмай йиғиштириб олишда отряд усулининг имкониятлари жуда қўл келди.

Ғаллакорларимиз учун бу усул янгилик эмас. Ҳар йили ҳам йиғим-терим отрядлари шакллантирилган. Муайян даражада тайёргарлик ишлари олиб борилган.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўрим-йиғимнинг дастлабки кунларида отряд тизими ишлаганлиғини ҳам эътироф этиш лозим. Лекин комбайнларнинг бузилиши, ташиш транспортларининг далаға ўз вақтида етиб келмаслиғи каби хатоликлардан сўнг отряд раҳбарининг эмас, комбайн хайдовчисининг сўзи ҳал қилувчи ҳисобланган. Ва шу тариха шаклланган тузилма бузилиб кетаверган.



Бу йил масалаға бошқачароқ ёндашилди. Ўрим-йиғим мавсумида Иш унумдорлиғи, тартиб-интизом, тизим, меҳнат самарадорлиғи деганда мана шулар тушунилса керак-да.

Кези келганда яна бир мулоҳазасиз: ушбу тизимни янада такомиллаштириш лозимға ўхшайди. Отряд қўшимча техника ва кучлар билан қучайтирилса, имкон топиладиган хирмон кўтарган фермерларнинг даромадларини хомчўт қилган иқтисодчилар хайратдан ёққа ушлашмоқда. Борди-ю, юз гектар

ичида пишмаган, етилмаган дон бўлмайди. Бўка дон қабул қилиш шаҳобчасида бир литр бугдойнинг оғирлиғини аниқлаш учун тарозига қўямиз: 785 грамм. Хирмонға барака киритаётган фермерларға тасанно дегинг келайди.



Гектардан 100 центнердан ошириб хирмон кўтарган фермерларнинг даромадларини хомчўт қилган иқтисодчилар хайратдан ёққа ушлашмоқда. Борди-ю, юз гектар майдондан фермер 100 центнердан хирмон кўтарса, бир мавсумда ўзида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган энг қиммат аш-тобобининг тўрттасини бемалол сотиб оласа бўлади, дейишмоқда улар.

Ғалла ҳосилининг мўллиғи деҳқон бозорларига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бозорда бугдойнинг нархи кепакнинг нархидан ҳам арзон бўлиб кетди, дейишмоқда чорвадорлар. Уларнинг бу тақаллуфидаги "кепак" сўзи рамзий эмас, то маънода ишлатилмоқда. Илоҳим, юртимиздаги арзончилигимизға кўз тегмасин.

Деҳқончиликнинг асосини уруғчилик ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Аввалги йиллари ғалла уруғининг бир қисми қўшни вилоятлардан келтирилиб эди. Уруғлик сифатидан нолийдиган фермерлар ҳам кам бўлмаган. Шу боис вилоятда уруғлик тайёрлаш ишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Деҳқончиликнинг асосини уруғчилик ташкил этиши ҳеч кимга сир эмас. Аввалги йиллари ғалла уруғининг бир қисми қўшни вилоятлардан келтирилиб эди. Уруғлик сифатидан нолийдиган фермерлар ҳам кам бўлмаган. Шу боис вилоятда уруғлик тайёрлаш ишига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

ҲАР ЙИЛИ ВИЛОЯТ БЎЙИЧА 22-23 МИНГ ТОННА БУГДОЙ УРУҒЛИГИ ТАЙЁРЛАНАР ЭДИ. ТАБИЙКИ БУ УРУҒЛИККА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖНИ ҚОНДИРМАГАН. БУ ЙИЛ УРУҒЛИК ТАЙЁРЛАШ ИШИГА ҲАР ҚАЧОНГИДАН ҲАМ КЎПРОҚ ВА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ.

Юқори Чирчиқ туманидаги "Ғалла Алтек" оқиқ акционерлик жамиятининг "Дўстлик" дон қабул қилиш шаҳобчасида бўлганимизда бугдойнинг "Таня" ва "Краснодар" навларининг "Элита" ҳамда "R-1" нав ва авлодлари уруғлиғи тайёрланаётганининг гувоҳи бўлдим. Барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган ушбу шаҳобчада 2400 тонна энг сара уруғ тайёрланади.

– Бу йилги уруғлик бугдойнинг сифати жуда яхши, – деди шаҳобча раҳбари Алишер Топилов. – Ғалланаётган уруғлиқда бегона нав ҳамда бегона ўт уруғлари миқдори ниҳоятда кам. Тиниш даври ўтгандан сўнг ғаллани дориллаб саралаганимизда улар бутунлай йўқ бўлиб кетади. Бу эса келгуси йил мўл ҳосилиға пухта замин яратаяди.

Вилоят бўйича бу каби яна олтинта шаҳобчада ғалланинг 10 га яқин нав уруғлиғи тайёрланмоқда. Бу йил вилоят галлакорлари учун 32 минг тоннадан ортиқ сара бугдой уруғи тайёрланади.

Қишлоқ мулкдорлари

Қуйи чирчиқлик Абдурахмон Қаюмов юртимизда фермерлик ҳаракати бошланганининг дастлабки йилларида давлатдан 10 гектар ер олиб, "Эркинлик" фермер хўжалиғига асос қлади. У қишлоқда деҳқон оиласида вояга етгани учун тинимсиз меҳнат қилиб, фермер хўжалиқларини оптималлаштириш жараёнида ерини 33 гектарға етказди.

ЧУМЧУҚДАН ҚЎРҚҚАН ТАРИК ЭКМАЙДИ

Деҳқон бу йил хўжалигининг 10 гектар майдонида галла ундирди, 40-45 центнердан ҳосил олди. Режани ортиғи билан бажариб, доимий 4 нафар ишчисининг рўзғорига 1 тоннадан бугдой тўқди.

Шунингдек, яна шунча майдонда олма, олхўри, гилос, шафтоли ва бошқа сархил меваларнинг турли навларидан бог яратган. Ҳозир деҳқон ораларида беда тизза бўйи бўлди. Бу эса хўжалиқнинг қолган 13 гектарига демиртирлаётган 100 бош қўй, 10 та мол ва 5 та отға тайёр ем, албатта.

– Бугун диёримизда хўжалигини қўп тармоқли қилиш, қишлоқ инфратузилмасини яхшилаш, ёшларни ишли, ўзи эса қўшимча даромадди бўлиш истағида юрган фермерларға имконият етарли, – дейди Абдурахмон ака. – Биз ҳам шу имкониятларнинг айримларидан фойдаланиб, қўп тармоқли фермер хўжалиғи мақомини олдик. Бундай дейишимизнинг боиси, ҳали имкониятлар бор-да! Энди шулардан фойдаланиб, бир иш бошлашни жиддий ўйлабман. 450 тул олхўрим бор. Кўз тегмасин, ҳар йили шигил ҳосил қилади. Ички бозорни бемалол таъминлайди. Лекин, ҳар йили пишиқчилик пайтида тонналаб олхўрим увол бўлади. Кўтарасига улгуржи оладиган инсон топиламайди. Мевани қайта ишлаш корхонаси туманда битта. У ҳам бўлса Отажоновда. Лекин уларнинг хом ашёси ўзидан чиқади. Шунга ўхшаш завод Янгийўлда ҳам бор. Афсуски, даромад

хатто йўл ҳаракатларини қолламайди. Ерда қоқи бўлиб ётган олхўриларни қўриб, қилган меҳнатингға қуяркансан, киши. Кеча бир мулоҳазасиз қилдим. "Эркинлик" таркибиде мевасабзавотларни қайта ишловчи цех қуриб, ишлатиш ҳақида ўйлашди. Пойтахтда бўладиган қишлоқ хўжалиғи техникаларни кўргазмасида қатнашганимизда режабоп ускуна кўргандим. Жой, пул ва беда тизза бўйи бўлди. Бу эса хўжалиқнинг қолган 13 гектарига демиртирлаётган 100 бош қўй, 10 та мол ва 5 та отға тайёр ем, албатта.

Фермер ҳақ. Жараён шу зайдда давом этса, келаси йилларға бориб, пахта-ғаллаға ихтисослашган хўжалиқларнинг деярли барчаси қўп тармоқли бўлади. Ўша техникаларни келтир-ган, малакали мутахассис еллаш лозим. Боиси, маҳаллий ишчиларға ускуналар билан ишлаш йўллари кимдир ўргатиши керак-ку!

Фермер Абдурахмон Қаюмов жиймаий сўзида давом этди: – Чумчуқдан қўрққан тарик экмайди" дейишади. Ўтган йилларда фермерликдан ташқари сутни қайта ишлаб, творог, бринзалар сотганман, нон ва нон маҳсулотларини тайёрловчи цех ҳам очганман... Демокчиман, қаловини топсангиз, қор ҳам ёнади. Имон борида иложини қилиш керак. Ҳозир бизға техникани олиб келиш тоғдан ўтишдек гал. Тоғнинг орти эса теп-текис яйлосда.

Бекюд ХИДОЯТОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Шоҳруҳ



Зарифа ЭРАЛИЕВА

ҲАР МИЛЛАТНИНГ ТИЛАГИДА ҲУРЛИК ЯШАР...

УМР СУВРАТИ

Рассом Ортиқали Қозоқов асарларига чизилар

Бир ҳатлаб осмонга етса бўлади, Юлдузни опичлаб кетса бўлади...

Қумрига "Ушиққ"ни ёдлатса бўлар, Сангидил зотларни додлатса бўлар...

Бўлади, қўйиша тутсанг шабнамни, Йисанг атиреулнинг кўзидан намни...

Сужунат сўзини уқиниш мумкин, Тоғни жимжилақда йиқиниш мумкин...

Юракни анордай очсанг-да бўлар, Соғиниң сабога савсанг-да бўлар...

Мумкин... Сувратларда минг турфа кечмиши, Ранглар қадаҳдан туйғу жон ичмиши...

Мусаввир қалбда оний силсила - Мўъжиза яратгай қилқалам ила...

Мусаввир - дунёдан ҳайратлар олган, Мусаввир - дунёни ҳайратга солган!

ҲОЛАТ

Бугун ногоҳ чўккан тоғдайман, На беморман ва на соғдайман...

Оташларда ёндим, ўртандим, Озорларга кўндим, ўргандим...

Сиз бир ёнсиз, дунёлар бир ён, Ваҳ, дунёга дил бердим қачон?

Кипригимда бир томчи армон, Сизни жуда соғиндим, она!

Ишққа умрим бердим - бор бўлдим, Утинч, ўқинчларга эр бўлдим...

Менга Сиздек қуйган борми ҳеч, Ё миннатсиз суйган борми ҳеч...

ЭЛ ФАРЗАНДИ

Ватан деб ёнган киши ҳаминша ҳақни сўзлар, Сор бургутдай хушёр-у, учмоққа кўкни кўзлар...

Эрк йўлида бедорлар машаққатдан чўчимас, Миннатнинг нонин эмас, гафлат широбин ичмас...

Ҳақ деб яшаганларнинг кўзида офтоб кўрдим, Ҳақ деб яшаганларнинг кўзида моҳитоб кўрдим...

Эла берса эр йиғит эда қолиб кетмагай, Эҳсонлари соябон - селда қолиб кетмагай...

Мард қисмати элим деб ёниш бўлар оқибат, Саоваблари бошига болиш бўлар оқибат...

Қақиб кетсанг қаддингни кўтарувчи куч - ордир, Қақиб чирогини ёққан чин норинини асрагил...

Эй дўст, улғў йўлдасан, дўст-ёринини асрагил, Қақиб чирогини ёққан чин норинини асрагил...

1991 йил 31 август...

Ҳурлик - тиг унда лаб очган гунча, Англадиқ, жон тикмай унга етмак йўқ...

Кўзи ожиз одамнинг айтгани

Кўнгли ўқиск, ожиз деманг, Яшаймиш бардош билан...

САБАБ

Ким тунингай дўст менга - сўзим сабаб, Гарчи бисёр думанам - ўзим сабаб...

Эй, дил...

Им ила поклан, губорни тарқат, Осиёни гафлатдир, мудом бедор бўл...

ҚАДР ТУЙҒУСИ

Бағрим бут - ёнимда дўст-қадрдоним Борим баҳам кўлар, йўғим тўлдирар...

Йилт этган чироққа бўлдим парвона - Сендек жон фидони топмадим, она!

Юрт кезсам иззатим беш кунми-ўн кун, Сўнг тугар илтифот, эҳтиром, ҳузур...

Қалбим эшикларин очдим - кирдилар, Балқиб ақаб мехримни ичдилар қониб...

Ўзимни сабрнинг қаърига отдим, Бандадан топмасам Раббимдан топдим!

Тонгда тўлғоқ тутган гунча гирдида Булбул чарх уради ноловази, гирён...

Ибротдир гўзаллик қошида сарҳуи - Кўксини тиконга ураётган қуш!

Оҳ, десам жиммайди донишманд очун, Ҳикмат китобидан сўз очди бир-бир...

Мадҳинга арзирми шу гамгин баёт, Томчининг шиддатин бер менга, ҳаёт!

ЮРТИМ

Ҳар миллатнинг тилагида Ҳурлик яшар, Ҳар кўртдаки Тинчлик деган тиллар...

Биз бахт излаб дунёларни кезмаёғимиз, Бахт эшиги очиб турган юртимиз бор...

Озод қушининг парвозлари баланд бўлмай, Дунё узра ҳилтирайди байроғимиз...

Кимдан каммиз - қадр ила, қадди тикмиз, Келажакка мағрур қадам ташлаёғимиз...

РАМАЗОН ҲИКМАТЛАРИ

Нафс деганда кўпинча ейиш-ичини тушунамиз. Майшатга ружу қўйган кишиларни нафсдан деймиз...

бу борада Қуръони Каримда: "Енглар, ичинглар, аммо исроф қилманглар..."

Жинойатга жазо муқаррар

XXI асрга келиб инсоният тақдирига, унинг таракқийтига, равангага таҳдид солаётган халқаро терроризмга қарши қандай кураш олиб бориш лозим...

фар Ешматов, Бунёд Миримов, Элёр Исаев, Сарвар Баратов, Ихлос Тўрақўжаев...

АЯНЧЛИ ОҚИБАТИНИ ТУШУНИШ КЕРАК...



халифалик давлати куришга, бунинг учун хижратга чиқишга, жиҳод қилишга даъват этишган...

лари учун барча шароитлар бекум кўст яратиш кўйилган бўлса. Шунингдек, дунёдаги энг бебаҳо неъмат бўлиши тинчлик ва оқибатининг юртимизда ҳукмронлик қилаётган бир пайтда...

Legal notices and advertisements for various services, including legal representation and business registration.

Publication information including address, phone numbers, and subscription rates for 'Tashkent Haqiqati'.

Белгилли материаллар - тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди.